

Urug`ning 1m<sup>2</sup> yerda 18-25 donagacha bo`lishi talab etiladi. Agar 1 kg urug`ning bozor bahosi 12000 so`mni tashkil etsa, 1 gektar maydonga ekiladigan urug` narxi 550-650 ming so`mni tashkil etadi.

Lalmi yerlarda ekilgan no`xat iyun oyining oxiri va iyul oyining boshlarida pishib yetiladi. Pishib yetilgan hosil asosan qo`l mehnati yordamida yi`gishtirib olinadi. 1 gektar ekin maydonidan hosilni yig`ish, bir joyga to`plash va uni yanchib somonidan ajratib olish uchun 100000 so`m mehnat haqi xarajatlariga 100000 so`m sarflanadi. Bundan tashqari hosilning 3-5 % i qo`shimcha ish haqi sifatida beriladi.

Olingan hosil 25-30 kg dan qoplarga joylanib, quruq va salqin, quyosh nuri va yog`ingarchilikdan himoyalangan joylarda saqlanadi.

Lalmi yerlarda ekilgan no`xot hosili asosan, ekilgandan tortib pishib yetilgunga qadar o`suv davridagi yog`ingarchiliklarga bog`liq. 1 tup no`xotda 7-8 tadan to 70-80 tagacha ko`sak bo`ladi. Bir gektar yerdan 2-3 tsentner dan 8 tsentnergacha ba`zi hollarda 10 tsentnergacha hosil olish mumkin. Ob-havo noqulay, yog`ingarchiliklar kam bo`lgan yillarda esa 0.3-0.5 tsentnergacha hosil olish mumkin.

**Xulosa.** Hozirgi kunda mamlakimizda yetishtirilayotgan no`xot asosan ichki talabni qondirish uchun yetishtirilayotgan bo`lib, juda kam miqdorda eksport qilinmoqda. No`xat eksporti tadbirkorlarimiz tomonidan asosan qovurilgan holda amalga oshirilmoqda. No`xat eksportini ko`paytirish uni yetishtiruvchilar manfaatdorligini yanada oshirishga va mamlakatimizga valyuta tushumini oshirishga xizmat qiladi.

## ЛАЛМИКОРЛИҚДА ЮМШОҚ БУҒДОЙ ЯНГИ НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ

### З.Очилов – магистрант, С.Ғайбуллаев - қ.х.ф.н., катта илмий ходими

**Аннотация:** *Сўнги йилда Республикамизда 1999, 2005 йиллари сингари, 2016 йилда ҳам сариқ занг касаллигининг кучли тарқалиши, бошоқли дон экинларининг ўсиши ва ривожланишининг энг масъул босқичларида туплаш, найчалаш, гуллаш, дон тўплаш ва тўлиш жараёнларда ўсимликлар сариқ занг касаллиги билан жиддий зарарланиш кузатилди, натижада аксарият юмшоқ буғдой навларининг ҳосилдорлиги билан бирга дон сифат кўрсаткичи пасайишига сабаб бўлди.*

**Калит сўзлар:** нав, намуна, касаллик, лалмикорлик, буғдой, ҳосилдорлик.

**Кириш:** Ҳозирги кунда асосий ғалла етиштирувчи мамлакатларда сариқ занг касаллигини ҳар йиллик йўқотиладиган ҳосил 0,1-0,5 фоизни, касаллик кучли тарқалган йилларда 20-25 фоизни ташкил этмоқда. Сарик занг касаллиги ҳозирги кунда кўп тарқалиши хавфи юқори бўлган минтақалар АҚШнинг шимолий-ғарбий қисми, Шарқий Осиё (Хитойнинг шимолий-ғарбий ва жанубий-ғарбий қисми), Жанубий Осиё (Непал), Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Жанубий Қозоғистон), Австралия ва Шарқий Африка давлатларини ўз ичига олади.

МДХ давлатлари ўртасида занг касалликлари туфайли ҳосилга етказилган зарар йилига ўртача 25%га етади (Уразалиев Р.А., Зайналова Ю.Д.1979). Эпидемия йилларида зангдан кўрилган зарар Ю. А. Стрижекозин (1999), Ф. А .Лахвич ва бошқалар (2002), С. Н. Шевченко, В. А. Корчагин (2006) бўйича 20-40%га етади.

Кўп навлар районлаштирилгангача ўзининг касалликка нисбатан чидамлигини йўқотади. Навларнинг касалликка чидамлиги барқарор эмас, чунки расалар таркиби доимий равишда мутацияга учраши ёки эволюция натижасида янги расалар пайдо бўлаверади. Касалликни олдини олишнинг энг самарали усули бу чидамли навларни экиш ҳисобланади, бу ҳам иқтисодий ҳам атроф-муҳитга таъсири жихатдан ишончли йўл ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот тажрибаларини жойлаштириш Давлат нав синаш комиссиясининг (1985, 1989), дала ва лаборатория шароитида фенологик кузатувлар Россия

Ўсимликшунослик институти томонидан ишлаб чиқилган Ҳалқаро классификатор (СЭВ Triticum тури, 1984), баҳолаш ва таҳлил қилиш Б.А. Доспехов (1985) услубий қўлланмаларидан фойдаланилди.

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси лалмикор ерларда тажриба далаларида олиб борилаётган тажрибалар бугунги кундаги долзарб муаммоларни кўтариб чиқади. 2015-2016 йил ҳосили учун дунёнинг 60 дан ортиқ давлатларида CWANA 16<sup>th</sup> SBWON-HT ICARDA, SBP-RN ICARDA кўчатзорлари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан Жиззах вилояти шароитида буғдойнинг эртапишарлиги, қурғоқчиликка, иссиқликка ҳамда касалликларга чидамлилиги ўрганилиб сифат кўрсаткичлари аниқланди.

Вилоятнинг катта майдонларида экилган “Тезпишар” нави андоза нав сифатида олинди ва унга нисбатан навларнинг сариқ занг касаллигига чидамлилик даражаси баҳоланди.

CWANA 16<sup>th</sup> SBWON-HT ICARDA кўчатзорида ўрганилган навларнинг ўсуқ даври давомийлиги ва сариқ занг касаллигига чидамлилик даражаси 1-жадвалда келтирилган. Олиб борилаётган тажрибаларимиз натижаларига кўра андоза “Тезпишар” нави сариқ занг касаллигига ўта берилувчан эканлиги аниқланди. Тажрибаларда ўрганилган нав ва намуналардан CHILERO-1/4/ VEES/3/HORK, QAFZAN-2/FERROUG-2//ZEMAMRA-8, KAUZ/MON/CROW, ATTILA\*2/PBW 65/PFAU/MILAN нав ва намуналар ўртача бардошли ҳамда PFAU/MILAN, KAUZ//ALTAR 84, ATTILA 50 Y//ATTILA/BCN/3/PFAU/MILAN, ATTILA /3\*/BCN//FLAG 2, NJORO SD-7//VEE/NAC, SEERI.1B//KAUZ/HEVO/3/AMAD/4/FLAG-2, CROC 1/AE.SQUARROSSA (205)//KAUZ//3/ATTILA /4/FLAG-1 намуналар ўта бардошлиги бошланғич манба сифатида танлаб олинди.

1-жадвал.

**Сариқ занг касаллигига чидамлилиги бўйича танлаб олинган намуналар**

№	Нав намуналар	Бошоқ-лашгача бўлган кун	Пишигача бўлган кун	Ўсимлик бўйи (см)	Сариқ занг билан касалланиш даражаси (%)
	Тезпишар (андоза)	150	191	85,6	30 S
	CHILERO-1/4/VEES/3/HORK	151	191	76,2	15 MS
	QAFZAN-2/FERROUG-2//ZEMAMRA-8	153	194	80,0	10 MR
	KAUZ/MON/CROW	149	190	79,4	15 MS
	ATTILA*2/PBW 65/PFAU/MILAN	152	194	72,0	10 MR
	PFAU/MILAN	150	191	82,2	5 R
	KAUZ//ALTAR 84	150	191	77,0	5 R
	ATTILA 50 Y//ATTILLA/BCN/3/PFAU/MILAN	157	198	75,8	5 R
	ATTILA /3*/BCN//FLAG 2	154	195	82,2	5 R
	NJORO SD-7//VEE/NAC	153	194	74,0	5 R
	SEERI.1B//KAUZ/HEVO/3/AMAD/4/FLAG-2	151	192	76,2	5 R
	CROC 1/AE.SQUARROSSA(205)//KAUZ//3/ATTIL A...	153	194	76,6	10 MR

Изоҳ: **R**- чидамли, **MR**- ўртача чидамли, **MS**- ўртача берилувчан, **S**- берилувчан.

SBP-RN ICARDA кўчатзорларида ҳам андоза нав сифатида “Тезпишар” навидан фойдаланилди, чунки ушбу нав Республикамизнинг кўпгина лалмикор майдонларида экилиб келинмоқда. SBP-RN ICARDA кўчатзорида ўрганилган нав намуналарининг сариқ занг касаллигига чидамлилик даражаси баҳоланиб, касалликка чидамли бўлган нав намуналари

танлаб олинди. Ушбу кўчатзордан танлаб олинган нав намуналари таснифи 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Сариқ занг касаллигига чидамлилиги бўйича танлаб олинган намуналар таснифи**

№	Нав намуналар	Бошоқлашгача бўлган кун	Пишишгача бўлган кун	Ўсимлик бўйи (см)	Сариқ занг билан касалланиш даражаси (%)	Ҳосилдорлик (ц/га)	1000 дон дон Вазни (г)
1	Тезпишар (андоза)	151	192	86,2	30 S	9,0	31,2
2	SERI-CHECK-CR-R	154	195	71,4	15 MS	11,2	35,8
3	BR 1284/BH 114686/ALD/3/CAZO	159	200	81,0	10 MR	10,4	32,0
4	GASPARD/3/ALD/SNB//ZRN	164	205	80,8	10 MR	9,8	31,4
5	CLEAR WHITE (YR 15:GPS)	153	194	71,8	0	12,0	34,2
6	YUMAR/ARLIN	146	187	84,0	5 R	13,2	36,8
7	NC 00-14622/2137	159	200	70,0	0	10,2	31,8

Ушбу танлаб олинган сариқ занг касаллигига чидамли нав ва намуналарнинг ҳосилдорлиги андоза навга нисбатан SERI-CHECK-CR-R (+2,2 ц/га), CLEAR WHITE (YR 15:GPS) (+3 ц/га), YUMAR/ARLIN (+4,2 ц/га) юқори ҳосил берди, шунга мувофиқ 1000 дон дон вазни ҳам юқорида келтирилган намуналарда 35,8-36,8 г.гача юқори эканлиги аниқланди.

Бошоқлашгача бўлган кун андоза “Тезпишар” навида 151 кунни ташкил этган бўлса энг эрта пишар линия (YUMAR/ARLIN) да 5 кунга эрта бошоқлаганлиги кузатилди.

2-жадвалдан кўришиб турибдики андоза “Тезпишар” навида нисбатан CLEAR WHITE (YR 15:GPS) (0%), YUMAR/ARLIN (5 R), NC 00-14622/2137 (0%) намуналари сариқ занг касаллигига чидамли ва ўта чидамли эканлиги аниқланди.

**Хулоса.** Тажрибада андоза навга нисбатан олинган намуналар занг касаллигига чидамлилигини баҳолашдан ташқари уларнинг тезпишарлик, ҳосилдорлик, 1000 дон дон вазни кўрсаткичлари бўйича ҳам баҳо берилди. Барча хусусиятлари юқори баҳоланган нав намуналари танлаб олинди ва селекциянинг кейинги босқичларида фойдаланишга ҳамда дурагайлаш ишларига тавсия этилди.

**ТОПИНАМБУРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА БИОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ**

**Н.М.Валиев – талаба, Ф.З.Абдуганиева – магистрант,**

**А.А.Элмуродов - доцент, А.Х.Юсупов - доцент**

**Аннотация.** Ўзбекистонда топинамбур асосан суғориладиган ерларда етиштирилади. Етарли намлик ҳарорат, ёруғлик, озука майдонлари бўлганда топинамбур жуда юқори кўк масса ва туганак, ҳосилини шакллантиради. Зарафшон водийсининг об-ҳаво шароити ер нокининг биологиясига жуда мос, ёзи қуруқ иссиқ ва совуқ бўлмайдиган кунлар кўп. Топинамбурнинг паст ва юқори ҳароратга чидамлилиги нав хусусиятларига, ирсиятга тупроқ намлиги, ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

**Калит сўзлар:** топинамбур, ер ноки, кўк масса, туганак, қанд, диабет, полисахарид, инулин, аллювиал, ўтлоқ, бўз, деформация, пластик, силос, сенаж, склеротиния,

**Кириш.** Топинамбурнинг турли навларининг ҳароратга талаби турлича ва улар нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда униб чиқишдан пишишгача 2000 °С дан 2800 °С гача фаол ҳароратни талаб қилади. Топинамбурнинг ер устки органлари совуққа чидамли. Топинамбур